

ЯНГИ ЙИЛНИНГ ИЗ КУТАУҒ

БҒУЛСИН!

1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БЎШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№116—117

(2536—2537)

1992 ЙИЛ

30 ДЕКАБРЬ

ЧОРШАНБА

НАРХИ 4 СЎМ

ЯНГИ — 1993 ЙИЛ БИЛАН

Мустақиллик тантана қилган, тарихда биринчи бор ўз давлат тили тан олинган, Конституцияси қабул этилган, олийжаноб ишлар юз берган эски йилнинг сўнги кунлари ўтиб бормоқда. 1993 — Янги йил бўсағасида турибмиз. Бундай айёмда ҳар бир киши ўз олдига: “Хўш, ўтган йил нима ишлар қилдим, нималар қилолмадим?” — деган саволни қўйиши ва янги йилда бажариши лозим бўлган ишларни режалаштириб олиши табиий.

Биз кузатаётган 1992 йил ҳаммамизга бир талай қувонч бахш этди. Бу қувончли воқеалар жонажон Ўзбекистонимиз тарихида асрлар оша гоёта шарафли ва муқаддас дамлар бўлиб қолади. Чунки худди шу йилда ўз тарихимизни, она тилимизни тиклай бошладик. Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўпон, Фитрат, Усмон Носир сингари халқ жигарбандларининг номи, иззат-иқроми, ҳурмати ўз жойига қўйилди.

Удумларимиз, қадриятларимизга қайтдик. Юртимизга Наврўз кириб келди. Рамазон, Қурбон ҳайитларига етдик. Бир сўз билан айтганда, ўзлгимизни англадик...

Мустақиллик туғайли жаҳонга танилди. Қарийб юз йилдан бери ёпиб қўйилган чегаралар қайта очилди, ватандошларимиз билан қўришдик.

Ёш давлатимизнинг 16 Халқаро ташкилотга аъзо бўлганлиги эртанги тараққиёт учун кучли омил бағишлаши, шубҳасиздир. Ҳозирча Ўзбекистонни дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатлари тан олди, кўплаб чет

давлатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди, бир қанча мамлакат билан ўзаро элчихоналар очилди. Қатор давлатларнинг элчилари Республикаимиз Президенти И. А. Каримовга ишонч ерликларини топширдилар.

8 декабрь Ватанимиз тарихида ўчмас бир сана бўлиб қолди. XII қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг XI сессиясида мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси ва давлат мадҳияси қабул қилинди.

Сиз, азиз оқсойишталик посбонлари кўпчилик ёрдамига суяниб, бамаслаҳат ва тинимсиз қилган меҳнатларингиз туғайли фуқаролар ва турли миллат вакиллари орасида ҳамжиҳатлик, ҳудудларда тотувлик сақланиб, мустақамланиб бораёпти. Аксариятингизнинг сидқидилдан, виждонан қилаётган хизматингиз натижасида халқимиз орасида ички ишлар идораларига ишонч ва эътибор ортиб бормоқда.

Бўсағада Янги йил. Янги режалар. Улар қандай амалга ошиши аввало халқимизнинг кайфиятига боғлиқ. Шундай экан, сиз, азиз ички ишлар идоралари ходимларига ҳамиша яхши кайфият ва бардамлик талаб қоламан. 1993 йилда ҳар бир оилада тинчлик, хотиржамлик, аҳиллик ва эсон-омонлик бўлсин.

З. АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар
вазир, ички хизмат генерал-лейтенанти.

ЖИНОЯТЧИЛИК КАМАЙМОҚДА

Йил охирига, янги 1993 йил ҳам юртимизга қадам қўймоқда. Мазкур йилда қилинган ишларни сарҳисоб қиладиган пайт. Галвирни сувдан олиб, келгусидаги режаларни аниқлаштириш вақти келди. Бозор иқтисодиёти деҳқоннинг ҳам, дурадгори қосибнинг ҳам маҳсулотини сифатига қараб баҳоламоқда. Ушбу йил ҳаммамиз учун синов ва тажрибалар йили бўлди.

Республикаимизнинг истиқлолига бир йил бўлганлиги муносабати билан халқимиз ана шу байрамни кенг нишонлади. Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри чет мамлакатлар билан алоқа қилишга киришди. Пойтахтимиз Тошкентда АҚШ, Германия, Туркия, Эрон каби давлатларнинг элчихоналари очилди. Юртимизга бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунда Тошкентдан Вашингтон, Деҳли, Қарочи, Сеул, Тель-Авив, Анкара, Истамбул, Маккаю Мадинагача тайёраларда бемалол учиб бориш мумкин. Ҳа, Ўзбекистон янгиланиш даврини бошидан кечирмоқда.

Албатта, бу ҳам ўз навбатида қийинчиликларни келтириб чиқаради. Аммо, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари масъулиятни ўз зиммаларига олиб, барча қийинчиликларга бардош бериб, республикаимизнинг амалдаги Қонунларига асосан ишламоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг барча идоралари ва бўлинмалари томонидан ўтган 11 ой давомида республикаимизнинг темирйўллари

ва тайёраҳларида 3570 та турли хил жиноят содир этилганлиги аниқланди. Бу ўтган йилга нисбатан 0,9 фоизга кам демакдир. Жиноят-қидирув тармоғи бўйича жиноятчилик 4,3 фоизга камайтирилди. Лекин нарх-навонинг ўсиб бориши, тақчил маҳсулотларнинг дўкон пештахталарида кўринмай қолганлиги сабабли иқтисодий соҳадаги жиноятлар ушбу йилда 6,9 фоизга ошиб, 1071 та жиноят содир қилинди. Йўловчиларга нисбатан жиноят қилиш ҳам 26 фоизга, қимматбаҳо юкларни ўғирлаш 15 фоизга камайтирилди. Айниқса, кейинги йилларда гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар кўпайиб бормоқда. Қўйдаги рақамлар бунини тасдиқлаб турибди. Ўзбекистонга келадиган бошқа республикаларнинг вакиллари билан айримлари гиёҳванд моддаларни сотиш, олиб келиш билан шугулланмоқда. Ана шундай шўҳба билан 452 киши тўхтатилди. 280 шахснинг гиёҳванд модда олиб кетаётганлиги аниқланди. Улардан 4,3 килограмм қора дори, 141 килограмм кўкнори, 30 килограмм наша ва 129 килограмм бошқа хилдаги гиёҳванд моддалар тортиб олинди ва йўқ қилинди.

Бошқарма шахсий таркибидаги ходимларнинг малакасини ошириш, ҳар томонлама етук, билимли, касб-маҳорат жиҳатидан тажрибали бўлиши учун катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда шахсий таркибимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битириб келган ёшлар ҳисобига тўлдирилди. ИИВ нинг ўқув юртларида 42 нафар ходимларимиз таълим олмоқда.

Жиноятларни очиш бирмунча ўсди, қутилмаган жиноятларни очишнинг миқдори ҳам 46,3 фоизга ошди.

Бундай муваффақиятларга эришишда, жамоат тартибини сақлашда, жиноятчиликка қарши курашда “Бухоро-1”, “Андижон”, “Тошкент-Жанубий” каби тармоқ ички ишлар бўлимларининг ҳиссаси катта. Айниқса, милиция подполковниклари Т. Хайтов, Н. Латифовлар раҳбарлик қилаётган мазкур бўлимларда яхши кўрсаткичларга эришилмоқда.

Ходимларнинг ўрнини алмаштириб, иш жойларини мустақамлаш бошқармада ҳам, тармоқ бўлимларида ҳам амалга ошириляпти. Мазкур тадбир эса ўз навбатида ижобий натижалар бермоқда.

Яқинда “Комплекс” шартли номи остида ўтказилган тадбир қониқарли натижа берди. Шунингдек, “Йўловчи”, “Юк” ва бошқа турдаги кенг қамровли операцияларни ўтказиб турибмиз.

Янги йил бўсағасида ўзимизга юкланган темирйўл ва ҳаво транспортларида фуқаролар дахлсизлигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, эришилган ютуқларимизни мустақамлаш ва келгусидаги кундалик иш фаолиятимизда бир қатор ташкилий ҳамда амалий тадбирларни ўтказамиз.

Янги йил ҳаммамиз учун тинчлик, хотиржамлик йили бўлиб қолсин. Юзларимиздан табассум, хонадонларимиздан кулгу, дастурхонимиздан нозу неъматлар аримасин.

А. БАДАЛБОВ,
Нақлиёт ички ишлар
бошқармасининг бошлиғи,
милиция полковниги.



ЯНГИ ЙИЛ ИСТАГИМ

Мен рўзномангизни йил давомида қолдирмай ўқиб бордим. Эҳтимол менинг мулоҳазаларимга Сизлар эътибор ҳам бермассизлар. Унинг Сизларга сариқ чақалик ҳам қиммати бўлмас.

“Постда” газетаси орқали берилаётган мақола ва хабарлар ози-кўпми ҳар бир кишини ўйлантиради. Жиноятчиликнинг олдини олиш умумхалқ иши эканлиги ҳаммага маълум. Бироқ бепарволигимиз, лоқайдлигимиз туғайли унинг кўпайишига сабабчи бўлмоқдамиз. Менимча, ана шу нарсани йўқотишга қаратилган мақолалар кўпроқ берилиши керак.

Оддий одамлар бирон-бир қонунбузарлиқни кўрганда биринчи ўринда нима қилишни билмайди. Назаримда газета орқали ҳуқуқий дарслар уюштирилса фойдаси кўпроқ бўларди.

Бундан ташқари ушланган жиноятчиларга нисбатан қўрилган аниқ чоралар ҳақида маълумотлар берилса.

Ҳамма соҳада бўлгани каби ҳуқуқшунослик фанида ҳам изланишлар, тадқиқотлар, кузатишлар олиб борилаётгани шубҳасиз. Бироқ бу жиҳатлар негадир умуман рўзномангиз

орқали ёритилмайди. Истардимки, келгусида улар инobatта олинса, “Постда” янада ўқимишли бўлиши турган гап.

Рўзнома ўз номи билан ҳуқуқ ва тартибот учун фаол курашчи вазифасини бажармоғи лозим. Шундай экан, нафақат ИИБлар, балки суд, прокуратура ходимлари олиб бораётган ишлар ҳақида ҳам мухлисларни таништириб бориш керак. Белгиланган жазонинг ижроси ҳусусида ҳуқуқий шахснинг фикри берилса яхши бўларди.

Ходимларнинг фақат иш фаолиятини ёритилмасдан, шахсий ҳаёти, қизиқишлари, хоҳиш-истаги, муаммолари ёритилишга ҳам эришилмоғи лозим. Негаки уларда ҳам қалб, ҳис-туйғу бор.

Юқоридагиларни айтиб, мен унинг ўқимишсиз, турган биттани камчилик демоқчи эмасман. Фақат уни янада ўқимишли, қизиқарли чиқиши тарафдориман.

Янги йил арафасида эса барча ижодий ходимларига, ички ишлар ходимларига муваффақият ва шахсий ҳаётларида янгидан-янги зафарлар талаб, мухлиснингиз:

М. ТУРСУНОВА.

Сиз кутган, кутмаган хабарлар

АНДИЖОН

ЭГАРИДАН ТУШОВИ
ҚИММАТ

Аёзли кунлар бошланаяпти. Шунинг учун ҳам ҳамма иссиқ кийимларга эҳтиёж сеза бошлади. Бунга қарангки, Андижон туманида яшайдиган Қ. Нуъмонжон бозорга олиб чиқиб сотаётган телпакнинг асли баҳоси 185 сўм, устамаси эса 715 сўмликка дол қоласиз. Ундан яна ўн олти дона электр дазмоли ҳам топилди.

БУРНИНИ ТИШЛАМАЙ

Эскиларда "Аччиғинг чиқса бурнингни тишла", деган гап бор. Андижон туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи 21 ёшли Д. Дилшод бу ҳикматли гапни эшитмаган экан. Бўлмаса 61 ёшли дадаси билан жанжаллашиб, жаҳл устида ўз уйига ўт қўйиб юбормаган бўларди. Ана энди у бутун ишлаб топганини уй томини ёпишга сарфлайдиган бўлди.

МИНГ СЎМЛИК ВАЪДА

Асака шаҳар автовокзалида номаълум кимса Шаҳрихон туманидан келган 54 ёшли Маъмуржон Жўраевга пахта ёғи олиб бераман, деб ваъда қилди. Шаҳрихонлик меҳмон номаълум кимсанинг гапига чиппа-чин ишониб, 35 литр сизимлик идиш ва минг сўм пул бериб юборди. Орадан анча вақт ўтгач алданганини билган М. Жўраев милицияга

мурожаат қилди. Фирибгар аниқланиб, ушланди. У ҳеч қаерда ишламайдиган, 25 ёшли Г. С. бўлиб чиқди.

БАХТСИЗ ҲОДИСА

Шаҳрихон туманида кечки соат 19 ларда Сойиб Ҳожиев бошқарган "Москвич" билан номерсиз "Ява" мотоцикли тўқнашиб кетди. Натижада мотоцикл ҳайдовчиси Муҳиддин ва йўловчиси Равшан исмли йигитлар шу жойдаёқ ҳалок бўлишди.

ЎҒРИ ҚАССОБ

Хонобод шаҳрининг Тополино қасабасида яшовчи И. Шарипнинг бир бош бузоғи ўғирланган эди. Қидирувлардан сўнг маълум бўлишича, уни шу шаҳарда истиқомат қилувчи, 19 ёшли қассоб Й.Х. ўғирлаган экан.

СИМ ОЛАМАН ДЕБ...

Қўрғонтепа туманидаги Султонобод қишлоғида яшовчи 26 ёшли Миродил ва унинг 8-синфда ўқийдиган укаси Умид 7-бригада шийпонидан электр сими олмоқчи бўлиб симёроғча чиққанларида уларни ток урди. Натижада Умиджон воқеа жойида вафот этди, акаси эса касалхонага ётқизилди.

ТАШМАЧИЛАР
УШЛАНДИ

Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-пардозлаш-оқартув цехи иш-

чилари А. ва Н. тонготар соат тўртларда иш жойларидан нархи 11 минг 200 сўмлик 80 метр гуллик читни ўғирлаб чиқиб кетаётганларида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Шаҳрихон шаҳрида олиб борилган тезкор ишлар жараёнида ишламай, мунтазам ўғирлик билан шуғулланиб келган ака-ука А. ва И. Қ. лар, асакалик 18 ёшли Р. Э., балиқчилик 18 ёшли У.О. ҳибсга олинди.

Улар шу йил М. Ҳасанова, О. Обидова, А. Чуйко, С. Аҳмедова, О. Эшонова, М. Жўраев, Н. Холмахсумов, И. Сўпижонов, О. Бобораҳимовларнинг хонадонларига кириб ўғирлик содир этганлар. Энди улар қилмишлари учун жавоб беришлари турган гап.

КИССАВУРДАН ЭҲТИЁТ
БЎЛИНГ!

Андижон шаҳрига келган жалолқудуқлик уй бекаси Давлатхон Шерхоннова бозорда 475 сўм пулини ўғирлатиб қўйди. Милиция аралашгач, пул ўгриси ушланди. У ҳеч қаерда ишламайдиган, энди-гина 25 ёшга кирган У. Р. экан.

Сирожиiddин ҲАСАНОВ,
вилоят ички ишлар
бошқармаси ходими.

СИРДАРЁ

ЭСКИ КУРТКАНИ ЭСКИ
УСУЛДА

Эсимизда бир пайтлар одамларнинг устидаги "импортний" кийим-бошларини ечиб кетиш ҳўпам русум бўлган эди. Ҳозир унчалик эмас. Қайси бирини ҳам ечиволади, дейсиз. Аммо... Сирдарё шаҳар ИИБга А.Иқбол мурожаат қилди. Вокзалда юрган чоғида номаълум шахслар унинг ХХРда чиқарилган курткасини ечиб олиб кетишибди. Ҳах, модадан қолганлар-а.

ҚЎШНИ
МЕЛИСАХОНАДАН
НАРИДА

Ширин шаҳрида яшовчи 1986 йилда туғилган Наргиза йўқолиб қолди. Ваҳима билан қидирув бошлаб юборилди ва ниҳоят қизалоқ топилди... қўшниникидан.

РАҚАМЛАР СОТИБ
ҚЎЙДИ

Сирдарё шаҳридаги "Наврўз" тижорат дўконида ўғирлик содир этилди. 40 минг сўмлик

мол-мулк қулогини ушлаб кетди. Йўқ. Девор тешилмади, дераза синмади, эшик бузилмади. Ҳаммаси оддий. Қулфнинг рақамлари терилгану, нарсалар олиб кетилган.

ГАЗАК НИМА БЎЛДИ

Шу шаҳардаги яна бир дўконда ўғирлик юз берган (дарвоқе, ҳозир бу модада-ку. Ҳар ҳолда бу бировнинг эскисини ечиб қочишдан обрўлироқда). Винзаводга қарашли дўкондан икки яшиқ вино ўғирлаб кетилган. Нархиям унча-мунча эмас 3 минг 510 сўм экан.

Энди яна бир савол очик қолаяпти. Қайси озиқ-овқат дўконда ўғирлик бўларкан бу сафар? Шунча нарсани газаксиз ютиб бўлмас-ов.

ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

Қўшнингни ёқиб қўйма, — деб ўзгартирса бўладиган қўринадан ўша машҳур мақоли. Гулистонлик Х.Қодиралининг пичанхонаси ёниб кетди. Зарар 5 минг сўм. Сабаб: қўшниси ахлат ёққан.

ТОШКЕНТ

Бу сафар ҳам унинг пармаси иш берди. Олдинги ўғирликлари каби Ф. фасл ўтмай қулфни бузди-ди, хонадаги тилла буюмларни ҳамёнига тиқиб, гойиб бўлди.

Уни тилладан бошқа буюм қизиқтирмасди. Бўлмаса дастлаб ўғирланган видеомагнитофони таниш қизига текинга бериб юборармиди. У пайтларда бу матоҳ пиёданинг кўнгил кўчасидан ҳам ўтмасди. Отлиқлар орзу қилишлари мумкин эди холос.

қулогини ушлаб, етти йилга кесилиб кетди. Лекин сирли пармасини беркитиб кетган экан.

Ф. қамоқдан қайтгач, улар Набихон ака иккаласи яна учрашишди...

У эски касалини ташламаган эди.

Шу йилнинг 30 ноябрь куни Мирзо Улуғбек туманидаги хонадонлардан бирида ўғирлик содир этилди. Воқеа жойига жиноят-қидирув бўлими ходимлари, милиция майори Набихон Исахонов ва милиция

САМАРҚАНД

"БАДАВЛАТ" МЕҲМОН

Кеч соат 23 лар. Булунгур туманидаги Жўрабеков номли кўчада бир киши овозини баралла қўйганча қўшиқ қуйлаб келмоқда. Назарида уни ҳамма жон-қулоғи билан тинглаётгандек.

— Қайдасан азизим, қора кўзлим...
— Оҳ, сени соғиндим, соғиндим, со...
У бирдан шарақлаб қулди.
— Муҳаббат йўқ экан, бевафо кўп экан дун-ё-ё-да...
Бу мисралар ёқиб қолдимки ёки ичидаги дардга ҳамоҳангмиди янада қаттиқроқ бақирди:
— Бе-вафо кў-ўп экан, дунёда.
— Ака, вақт алламаҳал бўлди, нега одамларнинг тинчини бузиб, бақириб юрибсиз?
— Қоч, қоч! Нима ёқмадимки ашулам?
— Йўқ, жуда ёқди-да. Сиздек "хушовоз хонанда" билан танишиб қўйсам дегандим. Қани ҳужжатларингизни олингичи? — деди қўшиқчи қоқ белидан тепган ЖҚБ ходими милиция катта лейтенанти Усмон Убдулев.

— Э, ука, биз қўшиқчиларда ҳужжат нима қилсин. Ҳужжатимиз — ширали овозимизда.
— Ҳа, энди тўй-маърака деган нарсалар бор. Балки ўртани қизитиб берармидингиз.
— Биласизми ука, мен бу ерда меҳмонман.
— Ҳали гастролдаман, денг.
— Шунга ўхшашроқ. Бир танишимникига, меҳмондорчиликка келгандим. У бундан беҳабар, қаёққадир меҳмондорчиликка кетибди.

— Ёпирай.
— Шу десангиз, меҳмонхонани излаб юрибман.
— Жуда соз-да. Сизга хизмат кўрсатишдан бағоят хурсандман. Юринг, кузатиб қўяман.

Усмон уни тўғри Булунгур тумани ИИБга олиб келди.

Меҳмон ҳақиқатан ҳам қўшни республикаларнинг бирдан ташриф буюрган экан. Онаси билан ажрашиб, тумандаги "Хўжамазгил" давлат хўжалигида истиқомат қилаётган отасиникида уч ойдан бери бирон-бир қайдсиз яшаётган экан.

Унинг "хонандалик"дан ташқари яна ажойиб "истеъдоди" бор эканки, бу тинтув чоғида маълум бўлди. Унг оёғидаги пайпоқ ичидан 24 грамм наша, 3,350 миллиграмм қорадори чиқди.

Гастролга келган бу "қўшиқчи"нинг ишқибозлиги у яшаб турган уйда тинтув ўтказиш


зарурлигини кўрсатди.

Туман ИИБ ЖҚБ оператив вакили милиция капитани О. Очиллов, терговчи милиция капитани А. Шомуродов "ноёб" хислатли шахснинг вақтинчалик яшаб турган жойини гувоҳлар иштирокида кўздан кечири бошладилар. Ана ўшанда уни "қуйлашга" ундаган нарса нима эканлиги маълум бўлди. Сир очилди. Ихлос билан ўраб, яшириб қўйилган 5 килою 690 грамм кўкнори, 725 грамм кўкнори уруғи ва 85 грамм наша топилиб "хонанда"га кўрсатилганда, унинг "ширали" овози бўғилди қолди.

Энди унинг қўшиқларини қамоқхонадаги маҳбуслар эшитиб, баҳо берсалар ажабмас.

Ўроқ ҲАСАН.

Суратларда: "гастролдаги қўшиқчидан" олинган ашёвий далиллар.

ФЕДЯНИНГ СИРЛИ
ПАРМАСИ

— Ўшанда 1978 йил эди, — деб хотирлайди Мирзо Улуғбек тумани ИИБ 3-шаҳар милиция бўлимининг ЖҚБ бошлиғи, милиция майори Набихон ака Исахонов, — жиноят-қидирувда иш бошлаганимнинг иккинчи куни эди. Ф. видеомагнитофон совға қилган қизнинг уйини топиб бордик. Бахтга қарши қизнинг отаси дурустгина лавозимда ишлар экан. Ўғри билан юрган қизи қолиб бизга пўписа қилиб кетсами. "Ишингдан ҳайдаттириб юбораман", — деди. Биз ҳам бўш келмадик. Ниҳоят видеомагнитофон эгасига қайтарилди.

1981 йилда шаҳарда яна бир катта ўғирлик содир бўлди. Айни дамда қўпчиликка қўли эгрилиги билан танилиб қолган Ф. И.дан гумон қилинди. Лекин бунга исботлаб бўлмади. Воқеа жойидан қўлга илашадиган ҳеч нарса топилмаганди.

Бу орада ялло қилиб юрган Ф. яна бир "қасб"нинг этагидан туғиб улгурган экан. Бел оғрима топилган бойлик уни бутунлай бузиб улгурган — энди у наркотик моддаларга ихлос қўйиб, уни тинимсиз истеъмол қиларди. Шусиз яшолмайдиган бўлиб қолганди. Бир сўз билан айтганда, нашавандга айланганди.

1988 йилда эса Ф.нинг шаҳардаги 70 га яқин хонадонни тунаб кетганлиги аниқланди. У

лейтенанти Фурқат Уммоновлар келишди.

Суриштирув натижасида аниқланган далиллар изқуварларни бир хонадон томон етаклади. Улар бу ерга кириб келишганда 4-5 киши ўтирарди. Набихон ака улардан бирига эътиборини қаратди. У ўша машҳур ўғри — Ф.га қайси томонлари биландир ўхшаб кетарди. Балки ўзидир?

— Сен Ф. И.мисан? — сўради Набихон ака иккиланиш билан.

— Йўғ-э, начальник, — деди ҳалиги кўзлари ола-кула бўлиб, — кимгадир ўхшатаясиз, чамаси. Мен Тошевман. Сибирда тураман.

У қанчалар гапни олиб қочмасин, барибир чалғитолмади. Аниқ далил-исботлар олдида лом-мим деёлмай қолди. Бундан ташқари унинг ёнидан ўша сирли парма ҳам топилди.

Ф. тергов мобайнида ўзининг туман ҳудудидаги хонадонларда содир этган 17 та ўғирликни тан олди.

— Чунки сирли парма билан ҳар қандай қулфни ҳам бир-икки дақиқада очиб ташлардим, — деди у тергов давомида.

Қулфбузарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 125- модда, 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ.

Ялтираганнинг барчаси олтин эмас

Айтайлик уйингизга бегона аёл кириб келади-да, ўзининг ўта ночор аҳволдан нолий бошлайди. Пул жуда зарур бўлиб қолганлигини, унинг эса мана шу (кўрсатади) заргарлик буюмларидан бошқа ҳеч вақоси йўқлигини айтади. “Менга қолса, сираям сотмасдим. Начора. Бунинг нархи жуда қиммат. Хўп десангиз, сизга арзонроқ бераман. Шу шарт биланки, кейинроқ пул топганда ўзим қайтариб сотиб оламан. Ўшанда йўқ демасангиз. бўлди”, — дейди.

У ролни шу қадар маҳорат билан ижро этадики, ҳар қандай тошпорок ҳам эриб кетади. Пулни олиб чиқиб, унга тутқазганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Кейин маълум бўладики, сиз олган ўша билагузук, балдоқ ёки узук қимматбаҳо металлдан эмас, сунъий экан. Шундан кейин, бошингизни қаерга уришингизни билмайсиз. Табиийки, охирига нажот — милицияга келасиз.

Шу йил бошидан буён фирибгар анча кишини тузоғига илинтирди. Наманган туманидаги Ғалча қишлоғидаги уй бекаси Зайнабхон Жабборова сентябрь ойининг бошларида бир жуфт балдоқ, бир жуфт билагузук ва битта узук учун 11 минг сўм пулни қўш қўлаб тутқазди. Шу туманнинг Хонобод қишлоғида истиқомат қилувчи Ғалча Топилдиева эса май ойидаёқ тушган эди. Сунъий безаклар учун 6700 сўм берганди.

Наманган шаҳар Володарский кўчасида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Шухратжон Алиев ҳам фирибгарнинг дийдиеларига чиппачин ишонганлардан. У оддий металлдан ишланган безакларни тилладан деб, 13 минг сўмга сотиб олди ва алданганини фаҳмлади.

Фирибгар қўлга тушди. Уни Ғалча қишлоғидагилар участка вакили, милиция капитани Раҳимжон Жўраев билан ушладилар. Кўпчиликни лақиллатиб юрган шахс Чортоқ туманида яшовчи киши бўлиб чиқди.

Товламачилик, фирибгарликдан жабр кўрганлар тўғрисида кўп ёзилган, кўп айтилган. Лекин, барибир, у давом этапти. Балки сиз ушбу мақолани ўқиб турган пайтда ҳам кимдир бошқа кишига фириб бераётгандир. Нима, одамларимиз шу қадар кўнгилчанми ёки арзон нарсасига ўчми? Ахир, арзонни беиллат дема, қимматни беҳикмат дема, деган ажойиб мақол бор-ку халқимизда. Қандай киши шахсини яхши билмаган одам билан неча минг сўмлик олди-берди қилади?

Сирасини айтганда, бундай текин даромад орттирувчи иймон-инсофсиз кишиларга биз, одамлар шароит яратиб бераёلمиз. Агар пухтароқ бўлиб, ўз мулкимизни бетайин кишиларга тутқазмасак, фирибгарликнинг пайи қирқилади.

И. КАРИМОВ,
Наманган вилояти ИИБ ходими,
милиция майори.

Й. Ботир билан Ю. Одил Сирдарё шаҳар темирйўл станциясидаги бозорда ўзлари чорбоғларида етиштирган узумларини сотиб ўтиришарди. Бир пайт қаршиларидан эски танишлари Т. Исроил пайдо бўлди. Улар ачомлашиб, оғиз-бурун ўпишиб кўришишди. Шундан кейин Исроил ўйлаб қўйган режасини тўкиб солди.

— Хув, анави “КамАЗ-5410” “белгили 00-37 БАЧ рақамли автомашинани кўраяп-сизларми?

— Картошка сотаётган йигитларни айтаяпсизми?

— Ҳа, балли! Ўша йигитларнинг ёнига бориб, “Мени шеф юборди, бизга тегишли ҳақни беринг” денглар. — Бермаса-чи?

— Унда ўзим бориб онасини учқўргонидан кўрсатаман! — деди Исроил.

Ботир билан Одил “Горизонт” ширкатига қарашли “КамАЗ”да картошка сотаётган йигитга учраб, “шеф”ларининг гапларини оқизмай-томизмай етказишди.

— Ўзларингиз ким бўласизлар? — деб сўради сотувчи.

— Бизми? Бизлар Сирдарё бозорининг рэкетчилари бўламиз. Агар биз рухсат бермасак, бозорда нарсасотиш уекда турсин, унга оёқ

МУШТУМЗЎРЛАР

босолмайсизлар. Бизга бўйин товламайдиган бўлсаларинг, ўзларингдан кўринглар.

Сотувчи бўш келмади:

— Мен шу шаҳарда тугилиб ўсганман. Шунча яшаб бозорда рэкетчилар борлигини энди эшитиб турибман. Қани, туёқларингни бир шиқиллатиб қолинглар-чи!

— Бизга барибир, бироқ кейин афсусланиб юрманглар тагин!

Исроил ҳамтовоқлари берган топширигини удалай олмаганларидан фигони фалакка чиқди. Уларни бошлаб “КамАЗ” ёнига борди. Исроил сотувчи Ғофур Отаевга мурожаат қилиб, 300 килограмм картошка тортиб беришни сўради. Сўнгра Исроил картошкани олиб, унинг ҳақини беришдан бош тортди.

Исроил шериклари билан қондаги картошқаларни расталарга тўкиб, арзон-гаровга пуллашга тушди. Воқеадан хабар топган ширкат аъзоларидан Ҳамроли Мавлонов ва Олимжон Ҳайдаров зўровонларга учрашиб, картошкани қайтариб беришни ёҳуд унинг ҳақини тўлаб қўйишни талаб қилишди.

Бундай муомалани кутмаган ширақайф Исроилнинг қони қайнаб, жисмоний куч ишлатишга ўтди. Ёнидан пичоқ чиқариб, Ҳ. Мавлоновга тан жароҳати етказди. Ботир билан Одил ҳам қўл қовуштириб ўтиришмади. Исроилга қўшилишиб, Ҳ. Мавлонов, А. Ҳайдаровни хумордан чиққанча роса дўппослашди.

Атрофда йигилганлар бу қаллобларни тартибга чақириб қўймоқчи бўлишди. Аммо уларнинг панд-насихатлари безориларнинг тўпигига чиқмади.

Бозордаги тартибсизлик осойишталик посбонларини оёққа тургазди. Зўровонлар милиция ходимларини кўриб, жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлишди. Аммо уларнинг бу режаси ҳам амалга ошмай тезда хибса олинди.

Тергов жараёнида қаллоблар Сирдарё бозорида кейинги пайтда тез-тез пайдо бўлиб, етиштирган ҳосилни сотиш учун узок-яқиндан келган деҳқонларни кўрkitиб, пулларини “шилиб” келишгани аён бўлди.

— Бу қаллоблар дастидан бозорга кириб, тирикчилик

қилолмай қолгандик, — дейди Мақсуда Шомухамедова. — Улар қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришлари шарт.

— Зўрлик билан пул ундиришга сизларни нима мажбур этди? — сўрайди Сирдарё шаҳар ва район ИИБ бош терговчиси, милиция майори Тошпўлат Ҳайдаров.

— Кайфим баян эди, — дейди Исроил айбини бўйнига олиб. — Қандай қилиб бу жиноятга қўл урганимни ўзим ҳам билмайман. мен бозорга кириб, сотувчилардан пул талаб қилганимни инкор этмайман.

— Бундан аввалги муштумзўрликни ҳам мастлик туфайли қилганмидингиз?

Исроил ва унинг ҳамтовоқлари ранглари бўзариб, ер қизиб қолишди. Уларнинг афсус-надомат чекиш аётганлари кифаларидан яққол кўриниб турарди. Лекин начора, сўнги пушаймон кейинчалик асқотмаса ҳозир фойда бериши даргумон. Чунки содир этилган ҳар қандай жиноятнинг тегишли жазоси бор. Воқеа янада муҳимроқ тугаши мумкин эди. Шу босдан ҳам зўровонлар кўзлари эртароқ очилганига шукур қилсалар ҳам бўлади.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

Соҳна кўз ёшлари

Турмуш —
урмиш
мушт

Қаршимда ўтирган аёл қалбимни зиркиратиб юм-юм йигларди. У титроқ овозда: “Эрим етти фарзандини ташлаб, ёш жувонга ўйланиб олди”, — дерди ҳадеб.

Бу сўзларни эшитишнинг ўзи оғир, қайси номерд бўлдики у, дейман ичимда.

— Эрим кейинги пайтларда жуда бефарқ бўлиб қолганди, — аёл дам-бадам кўзларидаги ёшини енгининг учи билан артиб, сўзида давом этди. — Уй-жойи бўла туриб, бозордан бери келмасди. Баъзи кунлари ўша ерда тунаб қоларди. Мана, баҳорнинг ярми ўтиб кетдики, ҳовлидаги ерни юмшатиб, тоқларга қарамади. Уйдан чиқиб кетгандан буён болаларим ҳам гап уқмас бўлиб кетишган. Отасиз уйнинг файзи бўлмас экан. Барибир отанинг ўрни бошқа экан-да, болам.

Эртаси кун аёлнинг уйига бордим. Дарҳақиқат, ҳовли бесаранжом. Тоқларнинг устидан ҳатто похоти ҳам олинмаган. Эски қўйхона бўм-бўш. Ҳовлида сукунат. Катта ҳовли шип-шийдан. Қўшнлардан кимдир аёлни иш жойидан чақириб келди. Хонадон соҳибаси бизни ичкари уйга таклиф қилди. Икки хонали уйнинг даҳлизидамиз. Ўртада эски шолча, тўшакларнинг пахталари осилиб қолган. Бурчакда эса рангли телевизор. Ҳайрон бўлиб сўрадим:

— Телевизорни ким сотиб олган, опа?

— Мен, — дейди мағрур.

Нақадар ноқулай бўлмасин, яна сўрадим.

— Кечирасиз-у, ҳозир нархлар осмондалигида рангли телевизор олиш шартмиди? Ундан кўра пулингизни болаларингизга сарфласангиз бўлмасмиди?

— Уни ҳам куйдириш, ҳам кўндириш учун сотиб олганман, болам. Биринчидан, кўриб қуйсин — усиз ҳам бинойидек яшаш мумкин. Иккинчидан, турмушимизга ҳаваси келиб, қайтиб келармикин, дедим-да.

Шу топда кимдир устимдан муздек сув қўйиб юборгандек бўлди. Қаршимда турган аёл кечанига бутун ҳасратини тўкиб солган аёлга сира ўхшамас эди. Кеча унинг қалбида эрига нисбатан озгина бўлса-да муҳаббат сезилса, бугун унинг ўрнини нафрат эгаллаган. Қолаверса, “ўч олиш” ҳолати ҳукмрон эди.

Бозорга бордим. Аёлнинг умр

йўлдошини сўраб-суриштирдим. Уни кўрсатишди. У полиз экинлари сотиб ўтирарди. Ўзимни таништирдим. Мени сал наридаги ўринга таклиф этди. Ўзи ҳам, ўрнидан туриб ўша томон юра бошлади. Шу пайт унинг ўнг оёғига кўзим тушиб қолди. “Автомобил ҳалокатида оёғим майиб бўлган. Ҳозир букимайди. Ҳатто шимимни ҳам ўзим кия олмайман”, деди хижолатомуз. Тилимга сўз келмади. Наҳотки, ҳовлидаги ерни юмшатишни шу эрдан талаб қилган бўлса? Наҳотки, тоқларни кўтариш ҳам шу кишининг зиммасида бўлса?

“Бу аёлга хоҳиш билдирмаган эдим, — сўз бошлайди ҳамсуҳбатим. — Маргилонда юрганимда унинг акаси билан танишиб қолдим. Қаердан билай кимлигини. Учига чиққан қиморбоз экан. Бир кун менга сингисига ўйланишимни таклиф қилди. Кўнмадим. Шунда у ўйланмасам, ўлдириб кетишини айтди. Ноилож ўйландим. Аёлимнинг феъли менга аён эди. Шунинг учун ҳам хотинимдан кўрқиб яшардим. Ахийри шармандамни чиқариб кетади, деб ўйлардим. Кейинчалик кўникиб қолдим. Мана, етти фарзандли бўлганимизда кўрсатган қароматлари.

Одамлар “Ҳой фалончи, хотининг бировларни уйингга олиб қиряпти. Бозорда ўтиргунча уйингдан хабар олсанг-чи”, дейишса шапалоқ тортиб юборган пайтларим бўлган. Бир кун юрагим сезган экан шекилли, бир қоп майда-чуйдаларни қирачилардан бериб юбориб, ўзим пиеда уйга кетдим. Эшик олдидаги эркаклар қалишини кўриб, Маргилондаги қайнакам едимга тушибди. Баданим титраб кетди. Ортимга қайтмоқчи бўлдим. Шапманни сезган бўлса керак, деган ўй билан ичкари томон юрдим. Ичкарида эса не кўз билан кўрайки, хотиним бир эркак билан... Ик-кисини ҳам дўппослай бошладим. Бироқ қўлимдан ҳеч нарсаси келмасди. Чўлок ҳолим билан нима ҳам қила олардим. Сўнгра уйдан чиқиб кетганди қайтмадим. Анча кун бозорда тунадим. Бозорком бундан хабар топгач, уйга қайтинг, деб роса зўрлади. Қайтмадим. Эски молбозор ўрнидаги вагон уйда неча-неча қора тунларни ўтказдим. Кейинчалик бозорком хузурига чақириб ўзининг хонасини бўшатиб берди. Орим келди. “Бошпанам бор менинг ҳам. Кўчада

қолганим йўқ, ука”, деганча яна эски вагонга қараб кетдим.

Мен билан бирга ишлайдиган ёш жувон бор эди. Бева. Бир кун ўша ёнимга келиб: “Шимингизни ечиб беринг, уйда ювиб келаман” деди. Ер ёрилмади, ерга кирмадим. Ахир, шимимни алмаштириб олиш ҳам қўлимдан келмайди-да, ука. Бу оёқнинг дарди не балоларга солмади мени. Хуллас, анча вақт ўтди. Болаларим келиб туришарди. Рўзгорда у йўқ-бу йўқ, дея нимани сотаётган бўлсам олиб кетишарди. Индамасдим. Ахир, улар менинг фарзандларим. Мен уларни дея яшайман-ку! Кунларнинг бирида қизим гап топиб келди. Онаси аллақандай қоровулга турмушга чиққанмиш. Энди уйга қайтиб боришга ақлим етмасди. Гапнинг рости қийналиб кетдим. Кейин кўпчиликнинг маслаҳати билан бояги бева аёл билан турмуш кўрдим. Унинг икки фарзандини, ўзимнинг икки фарзандимни қарамоғимга олдим. Ҳеч қанча вақт ўтмай менинг фарзандларим уйга кетиб қолишди. Қарасак, кўрпа қаътига қўйилган пулимиздан тийини ҳам қолмабди. Шу-шу қайтиб келишмади. Ҳовир эса анча тузукман. Ҳар қалай оқ кийиб, иссиқ овқат ичиб юрибман-у.

...Орадан анча вақт ўтди. Узокроқ сафардан қайтач, яқин дўстимни излаб ўша аёлнинг маҳалласига кириб қолибман. Қия очик турган дарвозадан кўз югуртирдим. Ҳовли ўшандай бетартиб. Қўшни аёлдан оила соҳиблари ҳақида сўрадим.

— Эрини қаматиб юборган, у, — шивирлади аёл ва яна қўшиб қўйди. — Қариган чоғида қийин бўлди унга. Оёғи майиб эди-я, бечоранинг.

“Қаматиб юборди? Нега? Нима учун? Унинг айби нима? Хотинидан яхшилик кута олганими?” узоклашарканман ҳаёлимда минг хил саволлар чарх урарди.

Ҳали-хануз ўша аёл ҳақида ўйласам, унинг қаршимда ўтириб кўз ёш тўқкан пайтлари едимга тушаверади. Нақадар ачинган эдим. Унинг кўз ёшларига ишонган эдим. Бироқ барча оналар ҳам юракдан йиглайвермаслигини билмаган эканман ўшанда.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.
Андижон шахри.

ТЕРГОВЧИННИНГ БИР ИШИ

Аслида ҳамма таланти бўлиб туғилар экан, лекин кимки ўзининг қобилияти намоён бўладиган ишни топа билсагина ҳаётида катта муваффақиятларни қўлга киритади, дейишади. Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасининг муҳим ишлар бўйича бош терговчиси Маткарим Худойбергеновни ана шундай кишилардан, десак ҳато бўлмас керак. У ҳозир 48 ёшда. Шу давргача мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. Урта мактабни тугатиб, ўқитувчилар тайёрлов курсига ўқишга кирди. Армияда хизмат қилди. Шундан кейин милицияга ишга ўтди. Тошкент давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиятини сиртдан битирди. 1983 йилдан буён терговчилик қилади. Ана шу вақт ичида у қанчадан қанча воқеаларнинг гувоҳи бўлмади, дейсиз. Ҳаётда ҳақиқатни тиклаш, адолат тантанасини

таъминлаш, кимнинг кимлигини рўёбга чиқариш осон эмас, албатта. Хеч ким «мен жиноятчиман» демайди. Фақат далил ва фактлар силсиласидагина ўз айбини бўйнига олиши, қилмишига иқроф бўлиши мумкин.

Маткарим Худойбергеновнинг терговчилик маҳорати олдида унча-мунча жиноятчи бардош бера олмайди.

Шу йилнинг 18 март кuni урганчилик ширкат такси ҳайдовчиси Рустам Кенжаевнинг «ТАЗ-24» машинаси ёнига уч киши келиб, Дўстлик шаҳрига олиб бориб қўйишни илтимос қилдилар. Ҳайдовчи рози бўлди.

Дўстлик шаҳрига яқинлашганда йўловчилар Рустамнинг чаккасига милтик тираб, уловни чеккага буришни талаб қилишди. Панароққа ўтишгандан кейин эса ҳайдовчини отиб ўлдиришди. Сўнгра машинага ўтириб, гойиб

бўлишди.

Халқимизда қотилни қон тутати, деган бир гап бор. Бадқирдор Хўжаев, Хўжабоев, Анниёзовларни ҳам қон тутган бўлса ажаб эмас. Хўжаев ва Хўжабоевлар кўп ўтмасдан бировнинг уйига босқинчилик қилиб қўлга тушдилар. Терговни Маткарим Худойбергенов олиб борди. Бор-йўғи икки кун ўтгандан кейин худди мана шу шахслар Рустам Кенжаевни отиб ўлдиришгани очиб ташланди.

Бу Маткарим фаолиятидан бир лавҳа, холос. Бундай воқеалар унинг хизмати мобайнида жуда кўп бўлган. Терговчининг ҳаёти ташвишли, ҳис-ҳаяжонга тўла ва сермашаққатдир.

М. НАВРЎЗАЛИЕВ,
Хоразм вилояти ички ишлар
бошқармаси матбуот гуруҳи
ходими, милиция лейтенанти.

ШУ КУНЛАРДА ҳамманинг бошида бир ташвиш. Тўғрироғи, шундоғам етарли бўлиб турганларига яна биттаси қўшилган: янги йилни қандай кутиб олиш керак?

Сиз суратда кўриб турган милиция ходими ва унинг ҳамкасблари бошига эса байрам ўзи билан бирга яна бир ташвишни пайдо қилган. У ҳам бўлса шодиена кунлари юртдошлар осойишталигини таъминлаш.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар ИИБ ДАН бошқармаси ходими, катта инспектор, милиция сержанти Раҳимбой Кўзиев тунги хизматда.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.



Ўғри ўзларидан экан

Ўзингдан чиққан балого, қайга борасан давога. Ўзи ишлаётган корхонада ўғирлик уюштириш, тузини ичиб тузлигига тупуриш ҳеч қайси қонун-қоидага тўғри келмайди. Лекин юртчилик, шунақаси ҳам бўларкан-да.

Шу йил 23 ноябрь кuni эрталаб Норин тумани ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмига шу тумандаги 29-хунар техника билим юртида ўғирлик содир этилганлиги тўғрисида хабар келди. Билим юрти директори К.Элчиев хабарига

кўра, номаълум шахслар омборхонадан «Электроника» видеомагнитофони, 51 дона жунли одёл, 20 дона гилоф, 69 метр шолча, 74 метр чит материалларини ўмариб кетишган.

Дарҳол ички ишлар бўлими томонидан оператив гуруҳ тузилди. Милиция капитани Э.Пайғамбаров, катта лейтенант А.Ғанибоев, лейтенант Ғ.Аҳмедов, балогатга етмаган ешлар билан ишлаш инспекцияси худуд вакили, лейтенант

И.Бобоёв, жиноят-кидирув бўлинмаси кичик оператив вакили, сержант Ф.Абдумажидовлар зудлик билан ишга киришди. Гуруҳнинг олиб борган изланишлари, ҳаракати беҳуда кетмади. 26 ноябрь кuni жиноят фож этилди.

Ўғирликни содир этган шахслар аниқланганда, кўпчилик хайратдан ёқа ушлади. Чунки ўғирларнинг биттаси шу билим юрти устаси, 1966 йилда туғилган, бир фарзанднинг отаси экан. Иккинчиси эса у билан тенгдош «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида уста бўлиб ишловчи, муқаддам судланган шахс бўлиб чиқди. Энди улар қилмишларига яраша жазо оладилар.

И. ҚОДИРОВ.

Ривоят қилишларича бир йигит меҳнатга лайёқат қилмай, устамон ўғрига шогирд тушмоқчи бўлибди. Ў йигитчани синондан ўтказар экан, чап қўлида овқат ейишни таклиф қилибди. Бўлажак шогирд ҳарчанд уринмасин, бунини уйдalay олмайди. Шунда устози дебди:

— Хабаринг борми, бизда ўғрилиқ билан қўлга тушган одамнинг дастлаб ўнг қўли

19 апрелга ўтар кечаси Ленин йўли қишлоқ кенгашидаги Олмазор кўчасида яшовчи Шарифбой Темировнинг уйидан «Иж-Планета» мотоцикли ўғирлаб кетилди.

Узоқ йиллар мобайнида бундай жиноятчиликнинг кетидан қувиб, тажриба тўплаган изқуварлар мазкур ўғрилиқлар бир-бирига боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил

“ҚЎЛГА ТУШМАС”ЛАРНИНГ ҚЎЛГА ТУШИШИ

кесилади, кейин яна ўғрилиқ қилса чап қўлидан ажралади. Бу ҳам таъсир қилмас, яна шу айб билан ушланса боши кесилади. Модомики, ўғрилиқ қилмоқчи экансан, аввал ўйлаб кўр, олдиндан ҳаракатингни қил...

Йигитнинг кўз олди қоронгулашиб кетибди, ўзини қўлсиз тасаввур этибди-ю шу ернинг ўзида тавба қилиб, меҳнат билан кун кечиршига сўз берибди.

Жиноятчилар жазонинг ўта енгиллигини, ёки оқоридаги каби “устоз”ларнинг шу йўлга қираётган ёшларга ўғрилиқнинг охир-оқибатини чуқурроқ тушунтирмаётганини, ҳарқалай, ҳозирги кунда бу нарсаси шундай авж олдики, ҳатто минг-минг сўмлаб шахсий ва давлат бойлиқлари, ҳатто бутун бир бошли одамнинг ўғирланиб кетиши оддий ҳолга айланиб қолди.

Шу йил март ойида Косонсой туман ички ишлар бўлимига Ленин маҳалла қўмитаси биносидан телевизор ва телефон аппарати йўқолгани ҳақида хабар келди. Дарҳол оператив гуруҳ тузилиб, қидирув ишларига киришилди. Дастлабки таҳминлар асосида текширув бошланди.

Ўғирлар ҳали у ерда, ҳали бу ерда “хунар” кўрсатиб туришди. Сал ўтмай, 44-маҳсус интернат мактаби ердамчи хўжалигидан “Брюсса” белгили музлаткич ўғирланди. Худди шу йўл билан тумандаги қурилиш ишлаб чиқариш комбинатидан 26 та хорижда ишлаган эркаклар қўйлағи ва 206 та сочқ йўқолди.

“Тунги овчи”ларнинг омади бароридан келаверди. Жумладан,

қилдилар. Милиция майори Эркинбой Дўстматов жиноят-қидирув бўлими оператив вакиллари Аҳмаджон Отахўжаев, Аҳмадали Абдуллаев, Ёқубжон Қаюмовлар билан ҳамкорликда тез орада ўзини “қўлга тушмас қасоскорлар” дея ҳис қилиб юрган йигитларни аниқлашга эришдилар.

Уларнинг кимлигини билган ҳар қандай киши, “Эсиз, йигитлик” дейиши турган гап. Мана улар: Зокир Исмоилов — Ленин йўли қишлоқ Кенгаши, Озод кўчасида яшайди. Тузини ичиб тузлиққа тупурган бу шахс ўзининг ишхонаси — қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинатидан содир этилган жиноят қатнашчиси.

Унинг шериклари Баҳодир Усмонов 27 ешга тўлган, Олим Орипов эса қўлида гулдай хунари бўла туриб, харом йўл билан пул топишни ихтиёр этди. Бўлмаса Косонсой туманидаги автосервисда чилангар, одамларнинг огирини енгил қилиб юрганли.

Жиноятчилар айбларига яраша жазо олдилар. Суд ҳукми билан ҳар бири 5-6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Тўғри, ҳозир яшаш шароити анча огир. Лекин бу йўлдан қутилиш учун фақат ўғирлик, товламачилик қилиш керакми? Завод ва фабрикаларда эркаклар қатори аёллар тер тўкиб ишлаганда, навнихол йигитларнинг енгил ҳаётни танлашлари қайси одагга тўғри келади?

К. ИСЛОМОВ.

АВВАЛ ИҚТИСОД....

Ҳар бир соҳани иқтисодсиз тасаввур қилиш қийин. Катта-катта давлат корхоналарини қўя турун, мабодо оилада ҳам иқтисод бўлмас экан — хонавайрон бўлгани шу.

Ҳаммага маълумки, снэсатсиз яшаш мумкину, иқтисодсиз...

Шу йилнинг 23 ноябрида ИИБда ўтказилган йиғилишга Фаргона давлат дорилфунунининг иқтисод кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор А. Ғафуров таклиф қилинди.

Нотик ИИБ ходимларига ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бозор иқтисодига ўтиш учун амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди, шарт-шароитлари хусусида тўхталди.

Ходимлар нотикқа кўплаб саволлар беришди. Суҳбат қизгин баҳс-мунозаралар тариқасида ўтди.

Қ. САМИНЖОНОВ.

НЕЪМАТ АКА Ангрен шаҳридаги Котовский кўчасида яшайди. Биз у киши билан бир неча йилдан бери танишмиз: у менинг олдимга ердан сўраб келаверади, мен эса юпатиб жўнатавераман, чунки унга ердан бериш мақсадида қилаётган саъй-ҳаракатларимдан ҳеч натижа чиқмади.

Тошкентдаги “Октябрь” заводида чилангар бўлиб ишлаб турган Неъмат ака Қаҳҳоров армия сафига 1938 йилнинг ноябрида қақирлиди. Сум вилоятининг Лебедин шаҳрига декабрь ойида етиб келганларида бу ерда қаҳратон киши ҳукмронлик қиларди. Авиабазаси ўқисси Неъмат Қаҳҳоров ўша кунлардаёқ фин урушининг Ленинград йўналишидаги жангларида иштирок этди. Волчанск шаҳридаги жангларда қатнашди. 1940 йилнинг февралда кичик авиамутахассислар курсига жўнатилди. Уни битиргач, август ойида 4-авиа штурм полкига авиаасбоблар устаси қилиб жўнатилди. Улуг Ватан уруши бошлангач — 1941 йилнинг августда ушбу полк иккига бўлинди. Неъмат ака ҳам 75-гвардиячи полк таркибида Канатон шаҳрига, Белорусия йўналишидаги жангларга отланади.

Уларни энди 1160-артполк таркибида 1942 йилнинг эзида 3-Белорусия фронтдаги жанггоҳга ташлашди.

Гумбинин шаҳрини олиш учун бўлган артиллерияликни муваффақиятли ташкил этгани, жанговар нукта химоясини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллагани учун, Шарқий Пруссиядаги 1944 йилнинг

ТАҚДИР

охирдаги жанглар учун Неъмат ака “Жанговар хизмати учун” медали билан тақдирланди. Кенисбергги олгани учун “Кенисбергги олишдаги жанговар хизматлари учун” медали берилган.

Жанггоҳлардан омон ўтган Неъмат ака галабани Германиянинг Данциг кўрфазига кутиб олади. Урушдан кейинги тинчлик учун давлатлар ўртасидаги саъй-ҳаракатлар нихоясига етгач, 1948 йилда она қишлоғига кўкраги тўлиб: 2 та Улуг Ватан уруши ордени, 16 та медаллар билан қайтиб келди. Ҳарбийликка кўникиб қолган бу йигит Урта Чирчиқ районидаги “НКВД совхоз”та ўқчи бўлиб ишга кириб, ички ишлар идораларидаги кўп йиллик фаолиятига дастлабки қадамини қўйди. Бу муассаса тугатилгач, эса, Тошкентдаги маҳбусларни жойдан-жойга кўчириш пайтида сақлаб туриладиган қамоқхонада бўлинма, вазвод командирлари лавозимларида хизмат қилди.

1950 йилдан Урта Осиё транспорт милициясининг Тошкент бекатида, 1958 йилдан эса унинг Ангрендаги постида милиционер, тезкор ходим вазифаларида ишлади.

1960 йилнинг бошларида урушдан қолган дардлар ўз таъсирини кўрсата бошлайди: оёқ огригига дучор бўлади. 1966 йилда хизмат вазифасини ўтаётганда

мотоциклдан йиқилиб, огир жароҳат олади. Охири 1973 йилда 2-гуруҳ ногирони сифатида нафақага юборилди.

Мана шу ерга етганда, суҳбатдошимизнинг руҳи тушиб кетади, сабаби Неъмат ака Қаҳҳоровга оёқ огриги бос умум қасаллик асосида 2-гуруҳ ногирони берилган, лекин у ўша пайтда баланд-пастига етмаган экан, энди англаб: “Нима учун мен 23 йил ички ишлар идораларида хизмат қилиб, хизмат пайтида ҳалокатга йўлиқиб, милиция ходими сифатида нафақа олмаяпман?”, — деб ўқинмоқда.

Унинг ишига аниқлик киритиш учун у фалокатдан кейин етиб даволанган Ангрен шаҳар, Оҳангарон район шифохоналарига мурожаат қилишни, ҳужжат сўрашни тавсия қилдим. Лекин улар ижобий жавоб беришмаган: Оҳангарондан ҳужжатлар Ангренга юборилган, Ангренда эса 1985 йилгача бўлган ҳужжатлар йўқотилган, кейинги суриштирувда, енгинда қуйиб кетган, деб жавоб беришган.

Ҳатто уни даволаган шифокорлар ҳам, ҳозир ишлаб туришганига қарамасдан, бирорта ҳужжат тайёрлаб бериш масъулиятини бўйнига олишмаган. Ушларар шу бир парча қозони тўғрилаб беришганида осмон узилиб кетмасди-ку. Инсон тақдирига бефарқ қараши ҳаққимиз йўқ, ахир!

М. МИРСОВУРОВ,
милиция подполковниги.

УЧАСТКА ВАКИЛИНИ ТАНИЙСИЗМИ?

Хар бир инсон қарилик гаштини суришни орзу қилади. Ўғил-қизлари, келин-куёвлари, неварачеваралари даврасида иззат-хурматда юриш кимга ҳам ёқмайди, ахир?

Яқинда Хонобод шаҳар ички ишлар бўлимининг ходимларидан — милиция капитани Ғанижон Халилов, Тошўлат Тўйчиев, Абдулхамид Қодиров, Қодиржон Худоёровларни фахрийликка кузатиш маросими бўлиб ўтди. Уни Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг

ФАХРИЙЛИККА КУЗАТИЛДИ

ўринбосари, милиция подполковниги Аҳмаджон Казиев очди.

Шаҳар ҳокими муовини Ҳасанбой Назиров, шаҳар ҳокимлиги номидан фахрийларни чин дилдан қутлади, ҳамда уларга сиҳат-саломатлик, чинордек узок умр тилади.

Маросимда милиция подполковниги Бахтиёр Бобоев, шаҳар фаоллари ва бошқалар, сўзга чиқиб, фахрийлар тўғрисида тўлқинланиб гапиришди.

Шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар ички ишлар бўлими томонидан фахрийларга эсдалик совғалари тақдим этилди. Шундан сўнг кечанинг бадий қисми бошланди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари, кулгу усталари Абдурайим Махсум Козаков ва Ҳасанбой Султоновлар даврага чиқиб, йиғилганларни ичак узди ҳангомалари билан кўнгилларини кўтаришди. Шунингдек, кечада ўш ҳаваскорлик дасталари, шохимардонлик санъаткорлар қатнашиб, ўз куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

М. МАМАЖОНОВ.

Халқ фикрини билишни энг яхши усуллардан бири сўров ўтказиш эканини айтиб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Яқинда ички ишлар бошқармаси томонидан вилоят ҳудудида ишлаб турган участка вакиллари фаолиятига нисбатан жамоатчилик фикрини билиш мақсадида жойларда аҳолига анкета варақалари тарқатилди. 235 участка вакилининг фаолиятига баҳо берилган бу анкеталар таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди.

Сўровда қатнашганларнинг фақат икки фоизигина ўз участка вакиллари танимасликларини билдиришган. Улардан яна етти фоизи зарурат бўлмагани учун участка вакилига мурожаат қилмаган. Қолганлар эса бир неча марталаб турли саволлар билан уларга мурожаат қилган. “Участка вакили билан неча марта учрашгансиз?” — деган саволга сўралганларнинг 12 фоизи беш маротабагача учрашганларини, 86 фоизи тез-тез учрашишини, 2 фоизи эса бунга эҳтиёж йўқлигини кўрсатишган.

Участка вакилининг ҳудудда бўлиш-бўлмаслиги ҳақидаги саволга 89 фоиз сўралганлар тез-тез, ҳар куни бўлиш, жамоат ишларида кам қатнашишини, 4 фоизи эса бу ҳақда бирор нарса деёлмаслигини билдиришган.

Анкетада “Сиз истиқомат қилиб турган тева-рак-атрофда ҳуқуқбузарликка, жиноят содир этишга мойил шахслар неча ва уларга нисбатан участка вакиллари қандай муносабатда бўлади?” — деган савол ҳам бор эди. Бунга жавоб берганларнинг 27 фоизи ҳудудларида ҳуқуқбузарлар йўқлигини, 60 фоизи эса бештагача ҳуқуқбузар борлигини, 13 фоизи эса улар жуда кўплигини билдиришган. Кейинги иккала ҳолатда ҳам

участка вакиллари ҳуқуқбузарларга қарши қаттиққўллик билан кураш олиб борилаётганлиги эслатиб ўтилган.

Участка вакиллари баҳо берилган баҳо эса қуйидагича: 7 фоиз билмайди, 10 фоиз — қониқарли, 83 фоизи — яхши ва аъло.

“Ўз ишига муносибми?” — деган саволга сўралганларнинг 98 фоизи ижобий жавоб берган. Қолганлар эса билмайди.

Кўрииб турибдики, одамлар участка вакиллари яхши баҳо беришмоқда. Аҳолининг аксарияти уларнинг ишидан мамнун. Буларнинг ҳаммаси участка вакиллари томонидан иш йўналиши тўғри ва анча дуруст йўлга қўйилганлигини билдиради.

Лекин бу ижобий баҳолардан кейин ҳовлиқиб кетиш ҳам ярамайди. Бундан ташқари, айрим фуқароларнинг участка вакиллари танимасликлари, уларнинг ўз хизмат ҳудудларида кам бўлишлари озчиликни ташкил қилса-да, кечириб бўлмас ҳолдир. Негаки, бу участка вакили халқдан узоқлашаётганини билдиради ва ўз навбатида қонунбузарликка қарши олиб борилиши лозим бўлган профилактика ишларини сусайишига турли жиноятларнинг келиб чиқишига қулай шароит яратади. Зудлик билан унинг олди олиниши зарур.

Худди шундай сўроқ воёга етмаганлар билан ишловчи назорият нозирларига нисбатан ҳам ўтказилганида нур устига аъло нур бўлар эди.

Яна шунини таъкидлаш керакки, бундай тадбир ходимларни ўз ишига масъулиятини янада ошириши мумкин.

С. ЗОҲИДОВ,

Самарқанд вилояти ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта нозир, милиция майори.

берухсат Косон туманидаги “ЧИҚДОВУЛ” корхонасига олиб кетаётганларида қўлга олинди. Гуруч шаҳар тайёрлаш идорасига топширилди.”

“26 ноябрь. Балиқчи туманидаги “Бахт” ширкати “ишбилармонлари” Хива туманидаги “Умид” ширкатидан 7000 килограмм, яъни 280000 сўмлик гуручнинг берухсат вилоят ҳудудидан олиб кетаётганларида ушланди.”

“27 ноябрь. Жомбой тумани “Экологик” кичик корхонаси “ишбилармонлари” Хоразм вилояти матлубот жамиятига қарашли “Қизилжар” ширкатидан 216 минг 150 сўмлик иккинчи нав кўк чой харид қилиб, вилоят ҳудудидан им-жимиди олиб чиқиб кетаётганларида тумшукларидан илинди.”

— Шу йилнинг 23 ноябридан 27 ноябрига қадар ходимларимиз томонидан 4 миллион сўмга яқин моддий-товар бойликлари чегарада тўхтатиб қолинди, — дейди Г. Тожиев. — Ҳали ҳамма постларимиз тўла ишга туширилмаган. Жойлардаги ҳокимликлар раҳбарлари яқиндан ёрдам бераётганликлари сабабли бир неча постларимиз вагон-уйлар билан таъминланди. Қолган постларни ташкил қилишда ва уларни ишга туширишда, техник воситалари билан таъминлашда ҳам ҳокимликлар яқиндан ёрдам кўрсатадилар, деб ўйлайман. Ҳамма ишлар ўз вақтида ташкил этилиб, милиция ходимлари учун шарт-шароит яратиб берилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Б. САЪДУЛЛАЕВ.

Бугунги кунда жамиятимиз “мафия” деган сўзнинг туб моҳиятига тобора тўла тушуниб етмоқда. Аслида бу уюшган жиноятчиликнинг мудҳиш бир кўриниши, холос. Бу ярамас иллат оралаган жойда зўравонлик, ҳақсизлик, нопок йўллар билан бойлик орттириш, инсон ҳақ-

арбоби, шоир ва драматург Олимжон Холдор.

Асарнинг туб моҳиятини тўла ва атрофлича очишга эришишда театрнинг директори, бош режиссёри Жавлон Тошхўжаевнинг хизмати катта. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, театрнинг бош

ЯНГИ ПЬЕСА

ҳуқуқларининг поймол бўлиши каби жирканч кўринишлар ҳукмронлик қилади. Бу бедодлик туфайли эл тинчлиги, саломатлиги, бойлиги ва азиз умри бемавруд заволят топади.

Аслида мафияни ҳам одамлар вужудга келтиради. Жамиятда бу чиркин, ярамас кўринишнинг дастидан беҳисоб жабр-жафо тортиб азобланадилар.

Куни кеча Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон вилояти мусикали драма ва комедия театрининг санъаткорлари жамоаси саҳна репертуарларини яна битта саргузашт асар билан бойитдилар. Асар “Қотил ким?” деб номланган. Унинг муаллифи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат

мусаввири Виктор Иванович Лигай саҳна безакларини воқеа руҳига мослаштириб ишлаган.

Ўзбекистон халқ артисти Ҳошимжон Олимжонов — ўта маккор мафия бошлиғи Исоқжон Ғаниевни, Ҳабибулла Солиев — иккиюзламачи милиция ходимини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳодир Маматхонов — айбдор Ёдгор Ҳакимовни, Муборакхон Саримсоқова — маслаҳатчини, Абдусамад Умаров — прокуратура ходимини, Мухтасар Йўлдошева — гувоҳ, қўшни аёлни ва бошқалар ўзларига топширилган ролларни меъёрига етказиб ижро этмоқдалар.

М. БОЛТАБОВЕВ.

Қидирилмоқда

Тошкент вилояти ИИБ ва қариндошлари томонидан бедарак йўқолган Шохмурод Муродович Аббосов қидирилмоқда. У 1992 йил 12 ноябрь куни давлат белгиси 57—16 ТШП “КамАЗ — 53121” автомашинасида Олмалик шаҳридаги 3-автобазадан чиқиб кетганича қайтиб келгани йўқ.

У 1930 йилда туғилган, хаворанг пиджак, қизил рангли катак қўйлак ва қора шапкада бўлган.

Тошкент вилояти ИИБ томонидан давлат белгиси 57—16 ТШП, двигател №678923, шасси №066857 бўлган сарғиш рангли “КамАЗ — 53121” машинаси қидирилмоқда. Уни ҳайдовчи Шохмурод Муродович Аббосов Олмаликдаги 3-автокорхонадан 1992 йил 12 ноябрь куни миниб чиққан.

Махсус устун



Ш. М. Аббосов ҳамда юқорида кўрсатилган автомашина ҳақида бирор нарса билган кишилардан Тошкент вилояти ИИБга ёки 02 ва 65-07-79 телефонлари орқали хабар қилишларини сўраймиз.

Тожикистон Республикасининг Ленинобод (ҳозирги Хўжанд) вилояти Зафаробод туманидаги 13-ўрта мактаб томонидан 1989 йилда Маҳзуна Кенжаева номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли;

Оққўрғон туманидаги 32-хунар-техника билим юрти томонидан 1991 йилда Маҳзуна Кенжаева номига берилган 160747 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва унинг шахсий таркиби Олий милиция билимгоҳи бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги Убайдулла Тожиқовга акаси

Лутфулла
ТОЖИҚОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ИИБ Олий милиция мактабининг жамоаси мактабининг бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги У. Тожиқовга акаси

Лутфулла ТОЖИҚОВНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби милиция қонвий хизмати алоҳида батальони сардорининг шахсий таркиб бўйича муовини, милиция майори

Мадамбек
КАМОЛҲОҲИДНИНГ

тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайгу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг қариндош-уруғлари ҳамда оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ЯНГИ БАТАЛЬОННИНГ ЯНГИ КУНИ

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ҳузурида жамоат тартибини сақлаш хизматининг алоҳида батальони ташкил қилинди. Унинг вазифаларидан бири — жамоат тартибини муҳофаза этиш, таъқиқланган нарсаларни республика ҳудудига олиб кириш ва ундан чиқаришни назорат қилишдан иборатдир. Қисқа муддат ичида мазкур батальонга тажрибали ходимлар ишга қабул қилинди. Бугунги кунга қадар батальоннинг бешта пости ташкил этилган. Келажақда уларнинг сонини ўн бештага етказиш мўлжалланмоқда.

Хўш, бу янги тузилган батальон ходимлари ишни қандай бошлашди?

Бу саволга жавоб олиш учун биз Хонқа туманининг Амударё кўпригидаги 15-рақамли постга ташриф буюрдик. Пост бўлимида командири, милиция сержанти Қурбон Отажонов, милиция сержантларидан Қадамбой Рўзматов ва Илҳом Оллобергановлар вилоят ҳудудига кираётган ҳамда ундан ташқарига чиқаётган автоуловларни назорат қилишаётган экан. Кундуз куни бўлгани учунми, қоидабузарлар негадир учрамади. Пост ташкил қилинганга атиги бир кун бўлгани учун ҳам бу ерга қўйилган вагон-уй ҳали тўла жиҳозланмаган эди. Сержант К. Рўзматов навбатдаги машинани текширгач, гишт ўчоқда чой қайната бошлади. Чой тайёр

бўлгач, майса устига ўтириб назоратчиларни суҳбатга тортдим.

— Хўш, хизматлар қандай кетмоқда?

— Боя таъкидлаганимдек, постни кечагина ташкил қилдик, — деди Қадамбой Рўзматов. — Бўш қолдик дегунча вагон-уйга электр симларини тортиямиз. Алоқа биз учун нақадар муҳимлигини биласиз. Кейин бемалол ишласа бўлаверади.

— Марказдан анча олисда хизмат қилайсизлар. Озиқ-овқатдан қийналиб қолмайсизларми? — сўрайман гап орасида.

— Йўқ, бу ҳақда ўйламасак ҳам бўлади. Чунки сабзавот, картошка, пиёз, сабзи ва бошқа маҳсулотларни гамлаб қўйганмиз. Келгуси йили мана шу ташландиқ ерларни ўзлаштириб, тирикчилик учун мева-сабзавот экишни мўлжаллаб турибмиз. Балиқ гўшти текин, мана, дарёдан қанча тутсангиз, шунча тановул қилаверасиз.

Улар билан алламаҳалгача суҳбатлашиб, ишларини кузатиб ўтирдим. Қайтишда бу азаматларга ишларида катта зафарлар тиладим.

Алоҳида батальон командири, милиция майори Ганжабой Тожиев билан сафардан қайтган кунимнинг эртасига учрашдим. У менга қўйидаги фактларни айтиб берди:

“25 ноябрь. Дўжба шаҳридаги “МАДАД” кичик корхонаси “ишбилармонлари” 321 минг 925 сўмлик (8 минг 150 килограмм) гуручнинг

ЧОРИШАБА 30 ДЕКАБРЬ ЎЗТВ I

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ички ютуқлар заёми тиражи ўйналади. Заём эгаларига омад тилаймиз.

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Бухороча эртақ". Фильм-концерт. 8.00 "Қачал полвон". Республика кўғирчоқ театрининг спектакли. 9.00 "Замин қалбига кулоқ тут". Телефильм. 9.30 "Заём-92". Тошкент шаҳридан репортаж. 10.30 "Мафтунингман". Бадий фильм. 11.50 "Нафосат гулдастаси". Фильм-концерт. 12.30 Телефильм. 13.00 "Заём-92". Тошкент шаҳридан репортаж.

17.00 "Заём-92". Репортаж. 18.00 Янгилықлар. 18.10 "Қор бола". Мультифильм. 18.30 Болалар учун. "Эртақлар — яхшилиққа етаклар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Оламга саяхат". Кинокурсау. 20.00 Лирик концерт. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Маҳаллада дув-дув гап". Бадий фильм. 22.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилықлари (АҚШ). 22.50 "Заём-92" тиражининг якунлари. "Омад" курсауви. 23.50 Эртанги курсаулар тартиби.

ЎЗТВ II "ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ

18.30 "Уолт Дисней таништиради...". Мультифильмлар тўплами. 19.20 "Рақслар, рақслар, рақслар". 20.20 "Олимпиада одиссеяси". 21.20 Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида.

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Курсаулар тартиби. 6.00 Янгилықлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилықлар. 9.20 В. А. Моцарт. 15-симфония. 9.35 Қадимий сахий эртақлар. "Питер Пэн". 2-серия. 10.45 "Нима? Қаерда? Қачон?". 12.00 Янгилықлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 "Д'Артаньян ва уч мушкетёр". Уч серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 13.55 "Фаворит". Телевизион бадий фильм. 2-серия.

*

15.00 Янгилықлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемикст". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Билмасвойнинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм. 8—10-сериялар. 17.10 "Қизлар орасидаги сир". 17.50 "Матбуот-экспресс". 18.00 Янгилықлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали таништиради. 18.50 "Миниатюра". Мусликий курсау. 19.05 "Эдемга қайтиш". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 "Тасвирдаги суварат". Е. Леонов. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилықлар. 21.25 "Қатта Янги йил оқшоми". Телевизион бадий фильм. 22.35 Д. Хворостовский опералардан ариялар ижро этади. 23.25 "Хайр, фалсафа". Б. Пастернак ҳақида телефильм премьераси ("Экран" Германиянинг "Рургаз аг" компанияси ҳамкорлигида суваратта олган). 24.00 Янгилықлар. 00.40 "50х50" программасининг Янги йил дискотекаси.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Асил ҳолича". 9.50 "Параллеллар". Тонгги концерт. 10.05 Маза, таътиллалар. "Муз назира". Бадий фильм. 11.15 "Арт-обстрел". 12.15 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 114-серия. 13.05 Ишдан бўш пайтингизда. "Хонаки клуб". 13.20 "Абзац". 13.50 "ТИНКО" Савдо уйи. 13.55 "Дехқонларга тааллуқли масала". Янги йил сони.

15.55 "Бизнес: янги номлар". 16.10 "Рост" студияси. "Хит кундалик". 16.40 Янгилықлар. 16.55 Транспросефир. "Узоқ Шарк". 17.40 Парламент хабарномаси. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 Эълонлар. 18.25 Христианлар учун курсау. 18.55 Маза, таътиллалар. "Моцарт операцияси". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 3-серия.

19.25 — 22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.25 "Шарман-



шоу". 2-қисм. 23.40 Спорт курсауви. 23.45 "Вариацияли мавзу". 00.15 "Тверскойдаги қаҳвахона" таништирилади. 00.35 "Джаз-филармонист-холл". Биг-бенд (Швеция).

ПАЙШАБА

31 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 Санъат оламида. "Дунё кезган либослар". 8.10 "Янги йил эшик қоқмоқда". Кинопрограмма. 9.10 "Цирк! Цирк! Цирк!". 9.55 Болалар учун фильм. "Қор маликаси". 11.20 "Томоша". Фильм-концерт.

18.00 Янгилықлар. 18.10 "Баджаҳл Бамбр". "Лизюков кўчасида яшовчи мушукча". Мультифильмлар. 18.30 Болалар учун. "Арча кўшиги". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Халқ куйларини қалбингда асра". Фильм-концерт. 19.50 "Аския". Телефильм премьераси. 20.30 "Йилнома". 21.10 "Мустақиллик муборак!". Хужжатли фильм премьераси. 22.00 "Янги йилнингиз кутлуг бўлсин!". Мусликий байрам курсауви. 1-қисм. 23.50 Янги йил кутлови. 00.05 Янги йилнингиз кутлуг бўлсин! Мусликий байрам курсауви. 2-қисм. Курсау тугагач — ҳинд бадий фильми. 1 — 2 сериялар.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ

18.30 "Шарқ калейдоскопи". 19.10 Болалар учун. "Табассум". 19.55 "Пульс". Хабарлар. 20.10 "Спринт". 20.30 "Йилнома". 21.10 "Бу оқшомда". 22.50 "Эсдалик учун дастхат". 23.50 Янги йил кутлови. 00.05 Эълонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Курсаулар тартиби. 6.00 Янгилықлар. 6.30 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилықлар. 9.20 "Эпизодлар". Концерт. 9.40 "Кидди-Видди". 9.55 Қадимий сахий эртақлар. "Ўн икки ой". 1-серия. 11.10 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 12.00 Янгилықлар (сурдо таржимаси билан).

Кундузги киноэкспресс

12.25 "Д'Артаньян ва уч мушкетёр". Уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 13.35 Хоккей. Европа чемпионолари кубоги. Финал. 3-давр. Германиядан курсаутилади. 14.15 "Тақдир ҳазили ёки кушдек енгил бўлинг". Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 17.20 "...16 ешгача ва ундан катталар". 18.00 Янгилықлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Матбуот-экспресс". 18.35 "Эфирда мусика". Янги йил сони. 19.50 "Эдемга қайтиш". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилықлар. 21.25 "Ҳеч нарса ҳақида репортаж". 21.40 "Мусликий жилолар". 22.10 М. Задорнов. "Билсангиз ҳазил...". 23.20 "Янги йил кечаси-93". 03.50 "Таъбирнома".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 "Гуффи-Геймз". 9.40 "Рост студияси". "Бефойда сабоқлар". 10.10 Ретро. "Композитор И. Дунаевский: ҳаёти, кўшиқлари, тақдири". 11.10 "Янги йил дайжести-92". 11.55 Кундузги сеанс. "Нейлон арча". Бадий фильм. 13.10 И. Корнелюк куйлайди. 13.50 "ТИНКО" Савдо уйи. 13.55 "Альбуцид". Янги йил томошалари. 14.50 Санъат майдони. "Мангу классика". 15.40 "Оқ қарға". 16.30 Ўз ишининг усталари "Мен бахтли инсонман". 17.30 Маза, таътиллалар. "Моцарт" операцияси". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 4-серия.

18.00 — 22.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 Телеэкранда премьера. "Олма". Бадий фильм. (АҚШ). 24.00 Янги йилнингиз билан! 00.05 "Маски-шоу". 00.35 Рақс марафони. 01.20 "Экзотика". 02.20 Кўзбоғловчилар клуби. 02.50 Катталар учун мульт-

фильмлар. 03.10 "Джентельмен-шоу". 03.20 Тунги детектив. "Ўлимнинг кизил никоби". Бадий фильм (АҚШ).

ЖУМА

1 ЯНВАРЬ

ЎЗТВ I

ЯНГИ ЙИЛНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

8.00 "Йилнома". 8.40 "Қиш манзаралари". Кинопрограмма. 9.10 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Кулол ва хурмача". Бадий фильм. 10.30 "Эстрада калейдоскопи". 11.30 "Нақшингиз хумориман". 12.10 "Дўстлик" студияси курсаутилади. "Янги йил тилақлари".

18.00 "Мультипанорама". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Билдирсой". Телефильм. 19.30 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Мархабо, Янги йил!". Мусликий курсау. 22.45 "Суюнчи". Бадий фильм. 24.00 Эртанги курсаулар тартиби.

ЎЗТВ II

17.00 АШГАБАТ КУРСАТАДИ.

"ОРБИТА IV"

8.30, 00.35 — Курсаулар тартиби. 8.35 "Мистер Крюгер ва рожество". Қиш эртаги. 9.05 "Пингвинча". Мультифильм. 9.15 "Циркни ҳамма севади". Екатеринбургдан курсаутилади. 10.00 Қадимий сахий эртақлар. "Ўн икки ой". 2-серия. 11.20 "Золушка ҳузурида зиефатда". 12.30 "Омад". 13.10 "Илгарилари". 13.50 Хотирамизда қолган фильмлар. "Қизлар" ("Мосфильм", 1962 й.). 15.30 "Росомача ва тулки". Мультифильм. 15.40 "Матбуот-экспресс". 15.55 "Мушкетёрлар орадан йигирма йил ўтгач". Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия (Одесса киностудияси). 17.00 "Ҳайвонот оламида". 17.35 "Бир боқишда муҳаббат". Халқаро сони. 18.10 "Лямзи-тири-бонди — ёвуз сеҳрлар". Мультифильм. 18.20 "Мария Миронова: кеча, бугун ва эртага". 19.10 "Мўъжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилықлар. 21.20 "Останкино хит-паради". 23.40 Қачонлардир — узоқ ўтмишда... Катталар учун мультифильм. 24.00 Янгилықлар. 00.40 "ВИД" таништиради. 01.10 "Энеида". Катталар учун мультфильм премьераси.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Россия телевизион театри. "Сеҳрли узук". Рязанов кўғирчоқ театри фильм-спектакли. 9.15 "Ретро-шлягер". Янги йил сони. 9.50 "Нептун байрами". Бадий фильм. 10.35 "Аеллар астрологияси ёки майор Пронинни ким олди?". 11.20 "Мисс Америка-92". Атлантик-Ситидан олиб курсаутилади. 12.50 Телеэкранда премьера. "Қора шахзода Аджуба". Бадий фильм (СССР — Ҳиндистон). 1-серия. 14.00 "Қора шахзода Аджуба". Бадий фильм. 2-серия. 15.05 Балет-видео. А. Адан. "Жизель". Солистқа Н. Макарова (ЖАРдан курсаутилади). 16.40 "Фарс-мажор". 17.10 Мульти-пульти. 17.30 "Фольклор". 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 Эълонлар. 18.25 Маза, таътиллалар. "Моцарт" операцияси". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 5-серия.

18.55 — 21.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.10 Жума кунлари Уолт Дисней. "Рожество юлдузи". Бадий фильм. 2-серия.

22.00 Хабарлар. 22.20 Эълонлар. 22.25 "К-2 таништиради: "Алвидо, СССР". Хужжатли фильм. 23.30 "Осойишта уй". Курсауви С. Шолохов олиб боради. 00.15 Эълонлар. 00.20 Б. Брунов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган курсау.

ШАНБА

2 ЯНВАРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум".

8.00 "Мю, болагинам Мю". Бадий фильм. 9.35 "Ўзбекистон

спорт". 10.05 "Кўнғир айиқ ҳақида". Телефильм. 10.30 "Муқаррама опа ва 40 гузал". Фильм-концерт. 11.20 "Ёрилтош". Болалар учун курсау. 11.50 "Ёшлик" студияси курсаути. "Ўн саккизга кирмаган ким бор?".

17.55 Курсаулар тартиби. 18.00 "Ялқов". "Шалпангкулоқ". "Кучукча ва эски шиппак". Мультифильмлар. 18.30 Ўсмирлар учун. "Тенгдошлар". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Аралаш". Ҳажвий киножурнал. 19.30 "Янграссин шўх яллалар". Мусликий курсау. 20.30 "Туркистон" ахбороти. 21.00 "Марду майдон". Бизнес-шоу. Бухоро. 22.10 "Келинлар кўзғолони". Бадий фильм. 23.25 Эртанги курсаулар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КУРСАТАДИ

16.05 "Мульти-шоу". 16.45 "Ўтиб бораётган йилнинг охириги туни". Бадий фильм. 18.00 Концерт. 19.00 Хабарлар. 19.20 "Заманибиздин залкар актёри". Қирғизистон Республикасининг халқ артисти Советбек Жумадилов — 60 ешда. 21.00 Хабарлар. 21.20 "Заманибиздин залкар актёри". Қирғизистон Республикасининг халқ артисти Советбек Жумадилов — 60 ешда (давоми).

"ОРБИТА IV"

7.40, 21.20, 00.35 — Курсаулар тартиби. 7.45 Эрталабки гимнастика. 7.55 Янгилықлар. 8.30 "Спорт-коният". 9.00 "Марафон-15" — кичкинтойларга. 9.25 Экологик шарҳ. 9.40 "Марказ". 10.10 "Мусликий сайл". 10.30 "Иш". 11.00 "Бумеранг". 11.30 "Шанба кунги дастхат". 12.00 "АБВГД — ЛТД" телесериали премьераси. 11-серия. 12.30 "Венадан Янги йил табриги". 14.50 "Технодром". 15.00 Янгилықлар. 15.20 "Мушкетёрлар орадан йигирма йил ўтгач". Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 16.35 "Ультраси". 17.35 "Кизил квадрат". 18.15 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Оливер". Бадий фильм (АҚШ). 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар? 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилықлар. 21.25 "Кувноқлар ва топқирлар клубида Янги йил кечаси". 23.25 "Эфирда мусика". 24.00 Янгилықлар. 00.40 "Хит-топ-шоу 50х50".

"ДУБЛЬ IV"

8.00 Хабарлар. 8.20 "Тувоҳлар ҳузурида яккама-якка". Лора Квинт. 8.55 Мульти-пульти. 9.20 "Оилавий учрашувлар". 10.15 "Тезки-шоу". 11.00 "Хали англамаган коинот". 12.00 Кундузги сеанс. "Жаҳонгашталиқ эртаги". Бадий фильм. 13.40 "Фаришталар хори". 14.00 "Бурда моден" тавсия этади. 14.30 "Доразмон". Мультифильм премьераси. 16-серия.

14.45 — 17.25

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ

"Дўстлик" ВИДЕОКАНАЛИ
1. "Дўстлик" студиясининг меҳмони — Ўзбекистон Республикаси қўроллик кучларининг ашула ва ракс ансамбли. 2. "Тошкент — дўстлик шаҳри". 3. "Бизнен мирас" (татар тилида). 4. "Умид" (уйғур тилида). 5. "Ижод бўсағида".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.25 Маза, таътиллалар. "Моцарт" операцияси". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 6-серия. 17.55 Эълонлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 Мульти-пульти. 18.30 Янги йил пироти. 18.40 Телеэкранда премьера. "Мадо, талаб қилиб олгунча". Бадий фильм (Франция — Россия).

20.25 — 00.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

00.25 Тунги сеанс. "Бўрибосар". Бадий фильм.

ЯҚШАБА

3 ЯНВАРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Тандир, арча, олов". Телефильм. 7.15 "Ёр ва диер тароналари".

8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 Болалар учун фильм. "Нозик-нихол малика". 9.55 "Қизил Яримой шуъласи". 10.25 "Ёдном". Холиер Даминов. 10.45 "Эл хизматида". 11.15 "Тошкент" студияси курсаути. "Ўзингни эр билсанг...". 12.00 "Инсон ва замин".

Тижорат канал:

13.00 "Ялламанинг 60 баҳори". Чиноз тумани Й. Охунбоев номи жамоа хўжалиги ҳақида. 13.45 "Сархисоб". А. Навоини номи жамоа

хўжалиги иш тажрибасидан.

17.55 Курсаулар тартиби. 18.00 "Кичкинтой" студияси курсаути. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Мозийга қайтиб". Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги олдида. 20.00 Ўзбекистон халқ артисти Камолитдин Раҳимов куйлайди. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Наштар" — меҳмонимиз. 21.40 "Тоҳир ва Зухра". Бадий фильм. 23.20 Эртанги курсаулар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КУРСАТАДИ

17.35 "Қузька учун уй". "Спорт". Мультифильмлар. 18.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт. 19.00 Хабарлар. 19.20 "Канизак Изаура". Кўп серияли бадий телефильм. 10-серия (рус тилида). 20.20 "Ала-Тоо шани". Республика фольклор-этнографик ансамблларининг кўрик-танлови. Якуновчи коцерт.

"ОРБИТА IV"

6.50, 15.15, 22.45 — Курсаулар тартиби.

6.55 "Рухни чиниктириш". 7.55 Янгилықлар. 8.30 Эрталабки гимнастика. 8.40 "Спортлото" тиражи. 9.00 "Эрта сахарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг охиригиси". Кўп серияли мультифильм премьераси. 9.30 "Ҳозирча ҳаммаси жойида". 10.00 "Тонг юлдузи". 10.50 Қадимий сахий эртақлар. "Қизил гул". 12.05 П. Нерсесян қалади (фортепиано). 12.15 "Тиббиет сиз учун". 12.55 "АБВГД — ЛТД" телесериали премьераси. 12-серия. "КТВ-1" ҳамда "Франс интернационал" канал таништиради. 13.25 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультифильм премьераси. 13.35 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

*

14.25 "Эрмитаж". Кўп серияли телефильм премьераси. 1-серия. 15.00 Янгилықлар. 15.20 "Мушкетёрлар орадан йигирма йил ўтгач". Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьер

Бахтиш йил келади

Абдували КУТБИДДИН

Лайлатулқадрлар ерга қўнғайдир,
Хар қарич тупроқда анқо унғайдир,
Хар лаҳза кўриниб шамол янғайдир,
Бахтли йил келади,
Бахтли йил.
Тангри бор бўлса гар жамолин очар,
Қуёш абадият сувларин сочар,
Фано тугунланган сеҳрини очар,
Бахтли йил келади,
Бахтли йил.
Ер-у осмон аро ойна қопланар,
Ёмғирлар ўрнига ёғар шароблар,
Бани одам балким қўрқмай шодланар,
Бахтли йил келади,
Бахтли йил.
Мендек аҳли ҳоллар тўпланиб йиғлар,
Сандувоч бағрида, ўртаниб йиғлар,
Ўртада ўлимлар тебраниб йиғлар,
Бахтли йил келади,
Бахтли йил.



ҚАТРАЛАР

Ҳаво айнаиб, бир нимага тайёрланаётгани аниқ. Ё ёмғир ёғади ёки қор. Бироқ қачон? Мана мен ҳам неча кунки, йиғламоққа тайёрман. Лекин, негадир йиғи ичимдан сизиб чиқадию, кўзларимгача келгунча шу оралиқдаги қайсидир жойда йўқолиб кетади. Биламан, кўнглим ўзимга душман. Ундан қўрқаман. Қўрқаним учун ҳам йиғлай олмайман. Негаки гурур, иззатнафс, кеккайиш, кулишлар у томонда. Ҳозирги аҳволимни эртага заҳархандалик билан юзимга солади. Буларни биламан.

Барибир йиғлагим келаверади.

Ҳозир қор ёғмоқда. Мен ҳам қор учкунлари каби атрофингда айланаман. Сен ҳайронсан. Лекин бу — қорнинг аста ёғиши-ю, менинг ёш боладек атрофингда бидирлаб айланишим сенга ёқаяпти. Эҳтимол сенга ҳаммасидан кўра ҳам худди шу эркаланиб айланишим ёқаётгандир.

Қор нима? У эртага ҳам ундан кейин ҳам кўп ёғиши мумкин. Мен-чи, мен эртага худди шундоқ сени севиб, эркаланиб атрофингда айланаманми?! Шунинг учун ҳам: “бу жинними?” — деб ўйлама. Фақат сенга кейин эслашга бир нима қолдирмоқчиман, холос.

Қушлар учиб кетган. Қуёш йўқ. Япроқлар йўқ. Яшиллик ҳам. Ложувард осмон ўрнида булут. ...Ҳеч ким қолмабди-ку дунёда...

НУР БАДИЯ.

Аслида биринчисидан ҳеч нарса юз бермади ҳисоб. Эмасам буйтиб хулоса ёзиб ўтириш қайда эди, дейсиз. Лекин воқеа юз бермаганининг ўзи ҳам воқеа.

Бир ўртоғимнинг “закиси” бўлаётган эди. Ўзим келиннинг дугоналари ўтиздан кўпроқ эканми, синглиси келиб йўлга туриб олди: “Ҳамма қизларга машина топиб келмаганиларча опамни ҳеч қаерга юбормайман”. Шошиб-пишиб тойчоқдек “Жигули”ни миниб келган эдим, остинма-устун бўлиб қизларнинг олтигаси миниб олди.

Кетаялдим. Қизлар шангиллайди,

Бахтиш йил

Ойнинг машина синадиган жойга келиб қолган эдик-да. Лекин бу ҳали омад дегани эмасди. Машина нишабликка қараб шитоб билан гилдираб бормоқда, хув узокда эса катта чорраха кўриниб турибди. Эсон-омон шу ергача етиб борсак ёки кимдир бизнинг, ё биз кимнингдир биқинига солишимиз аниқ. Таваккал қилиб йўл четидан турган “Нива” томон бордим. Хар холда мустаҳкам, кўп пачоқ бўлмайдим. Омадни қарангки,

тормасани босдим. Йўл қор эмасми, “шиг-г-г, тақ” — овозларидан сўнг машина тўхтади. Тушиб кўрсам... умуман бу сафар ҳам омадим чопди. Пачоқлар сезилмайдиган даражада эди. Билсам олдингиларнинг ҳам ойналарига қор сачрагану, шунини тушиб артишаётган экан.

Рулдамисан, бошинг билан бир нарсани ахтарма, дедим ўзимга ўзим.

Кейинги сафар эса бошим билан ахтармадим ҳам, барибир шу воқеа рўй берди.

Тасаввур қилингки, жуда яқин бир ўртоғингиз беш юзми, олти юзми, мингта яп-янги “Москвич” олди ва тажрибали хайдовчи сифатида сиздан шахарга олиб бориб келишни сўради. Мана сиз кеч куз фасли шахарда кетаяпсиз, майдалаб ёмғир ёғиб турибди. Машинани жуда эпчил бошқараяпсиз, ўзингизнинг ҳам ўзингизга ҳавасингиз келаяпти. Хатто учиб кетишга ҳам шайсиз. “Москвич” да эса қанот йўқ. Бензини зўр, дейсиз. Уни сотганини алқайсиз. Шу пайт енин-гизда ўтирган ҳамроҳингиз сизни туртиб қолади:

— Исмоил, қизларни қаранг...

Сизни қувиб ўтаётган “Жигули”нинг орқа ўриндиғида ўтирган икки хурлиқога қарайсиз: “Хай, хай, хай”. Сиз “Жигули”га йўл бермасликка ҳаракат қиласиз. Бунга сари енин-гиздагини ҳам илҳоми келаверади. Барибир “Жигули” ўтиб кетади ва унинг орқа чироқлари ениклигига кўзингиз тушади. “Тормоз берса сезилмас экан” деб ўйлайсиз, ўйлайсизу дарҳол унутасиз. Хурлиқоларнинг ортидан қуваверасиз. Эрмакда буям бир... ва тўсатдан кўриб қоласизки, ҳалиги машина йўлнинг устида тўхтаб турибди. Кеч. Тормоз. “Ки-г-г-г...” тақ... “Жигули” тўрт беш метр нари учиб кетгач кўрасизки, у бус-бутун, пачоқ жойи йўқ. Шукр қиласиз: бу сафар ҳам... Адашасиз, чеккага чиқиб қарасангиз... қараб нима қиласиз, кўнглини бузиб. Шу: икки қаноат, копот пачақ бўлган, радиатор тешилган... Лекин “Жигули”га ҳеч нарса қилгани қизиқ...

Шундай қилиб тасаввур қилолмасангиз қўйинг.

Хуллас, учинчи хулоса шуки, рулдамисан, қизга эмас, кўзга қараган

АКСИОМА

Ёҳуд қандай қилиб уч воқеадан уч хулоса чиқарганим хусусида

мен “тип-тип” қилиб қўяман. Йўлда бир-икки тормозни босганимда машина илдамлаб кетгандай бўлувди, эътибор бермадим. Сезмасангиз кўрқмас ҳам экансиз. Шаҳарнинг тор кўчаларидан шигиллаб кетиб бораётган. Машиналар тирбанд. Бир маҳал сал сийракроқ жойга келиб, олдимда кетаётган “нол олти”ни қувиб ўтмоққа шайландим. Бунга кўзим етмагач (олдинда йўл торайганда-да), машинани секинлатай деб тормозни боссам... Бундай пайтда ақл дарров ўзини четга олади. Зумда ўзингизни йўқотиб, ҳаммаси тушунгизда бўлаётгандек туюла бошлайди. Бундай пайтда фақат инстинкт ишлайди. Нима деяётган эдим?... Хуллас, тормозни боссам, педал шилқиллаб бориб келаяти натижа йўқ. “Жигули” қилт этмай кетиб борапти. Қизлар дарҳол гап нимадалигини сезишди, чамаси, “ойижон”, “бийижон”, “ўлдим” деган сўзлар қулоққа чалиниб турибди. Қўлларим калитни бураб, моторни ўчиради, оёқларим педални босаверадиган ўзгариш йўқ. Кетиб бораётган, шигиллаб. Ҳалигача ақлим етмайди, “нол олти” билан етма-ен кетаётган машинанинг қандай қилиб ен томондаги анҳорга ағдарилмай, бирор машинага урилмай унинг орқасига ўтиб қолганига. Ахир иккалаамиз қувалашиб фақат

машина орадаги масофа бир метр қолганда таққа тўхтади. Аъзойи баданим бўшашиб кетди: “Хайрият-ей!”

Маълум бўлишича тормоз суюқлиги оқиб кетган экан. Қизларни эса хар холда шаҳарнинг кўчасида қолдирмадим, тормозсиз бўлса ҳам ҳайдаб келдим. Хайдовчиликда энг асосийси сезиш, сезсангиз ҳеч нарса рўй бермайди.

Уловнинг асосий хусусияти унинг юра олиши эмас, тўхташи экан. Бунини тормозсиз юриб кўрганлар жуда яхши билади.

Иккинчи воқеа рўй берганида киш пайти эди. Уч кун узлуксиз қор тушгандан сўнг илкис иссиқ бўлиб кетди. Катта йўллардаги қорлар эриб, шилтага айланди.

Олдинда “Москвич”, кетинда мен — “Жигули”да кетаялдим моташиб. Тезлик ҳам айтарли эмас. Йўлнинг шилталигини эса айтдим. Шуйтиб, бораётган эдик олдинма-кетин. Тўсатдан қарама-қарши томондан бир “КамАЗ” вағиллаб ўтиб кетди. Ўтгани майликуя, хўл қорни шиллалатиб ойнага епиштириб кетди. Ишқилиб йўлни сал-пал кўрса бўларди. Мен эса дарҳол ойна тозаллагичи қўшмоқчи бўлдим. Шошганда тополмай бошим билан шўнғиб халигини қаердан қўшиш лозимлигини излай кетдим. Енимдаги “не-не” дегач, апил-тапил

КУЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

ЯХШИЯМ “ВАЗ” ЭМАС

— Азизам, майлими, мен сени Ева деб қақирсам?
— Нима учун?
— Чунки сен менинг биринчи муҳаббатимсан.
— Унда, майлими, мен сени “Москвич” деб қақираман?
— Нега энди?
— Сен менинг 412 чимсан...

ҚЎРҚИТИШ

— Агар кашани эмасанг, мен ялмоғиз кампирни қақираман.
— Ойижон, нима, сиз ялмоғиз

ОДАМ БЎЛМАСА...

Ўқитувчилар хонасига ҳовлиқиб кирган ота ўшқира бошлади:

— Менинг ўғлимни ким урди?
Раҳбари қани ўзи? Нега урасан? Ким ҳуқуқ берган сенга?
— Ҳовлиқманг, — тушунтирди ўқитувчи — ўғлингиз кейинги пайтларда ҳеч кимни менсимай қўйди. Дарсларга қатнашмайди, шу кетишда кетаверса одам бўлмайди.

— Сен бугидан хавотир олма, одам бўлади, одам бўлмаса ўқитувчи бўлади.

ДИҚҚАТ!

Бу ерда Сизнинг рекламанингиз бўлиши мумкин эди.

Ҳали ҳам кеч эмас.

Газетамиз янги йилдан эътиборан яна

хизматингизда. Биз Сизнинг эълон,

билдирув, қутлов ва бошқа

хушхабарларингизни Сиз истаган

муддатда, “чақмайдиган” нархда,

кўзга ташланадиган қилиб бериб

боришни

КАФОЛАТЛАЙМИЗ!

Иккиланманг, биз кутамиз!

■ Кўчириб босишда «Постда» газетасидан эътиборан яна кўрсатиш шарт.
■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, охиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмахонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-26-56, муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.